

## **Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг бош мақсадидир**

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ суд ҳокимиятини давлат ҳокимияти тизимининг мустақил тармоғи сифатида шакллантириш Президентимиз ташаббуси билан демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Айтиш жоизки, истиқлолнинг ўтган даврида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида демократик институт сифатида судларнинг аҳамияти тубдан оширилди. Пировардида фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда судларнинг роли кучайди. Энг асосийси, судлар амалда давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида шаклланди.

Ўтган даврда Конституциямиз негизида парламентимиз томонидан бевосита инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган 120 тадан зиёд қонун қабул қилинди. Айниқса, кейинги йилларда, яъни мамлакатимизда икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилгач, мазкур олий давлат вакиллик органининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги ўрни янги босқичга кўтарилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқи парламент юқори палатасининг мутлақ ваколатига берилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан буён ўтган даврда 24 та амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилингани Ўзбекистоннинг умумэътироф этилган инсонпарварлик тамойиллари ва халқаро ҳуқуқий нормаларга қатъий амал қилиб келаётганини билдиради.

Ҳар йили, Президентимиз тақдимига асосан, Олий Мажлис Сенати томонидан амнистия тўғрисида қарор қабул қилиниши, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мисол учун 2012 йилда эълон қилинган амнистия акти жами 64 минг 659 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилиб, шундан 22 минг 193 нафар шахс жазодан озод қилинди, 18 минг 285 нафар шахсга нисбатан юритилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди, 24 минг 181 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилди.

2013 йилда эълон қилинган амнистия акти эса, янада кенгрок камровда бўлиб, қарийб 70 минг нафар шахсга нисбатан татбиқ этилди. Шундан 3 минг 237 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиқарилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ҳақида фикр юритганда, Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтиришга қаратилган ғоятда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айтиш керакки, ушбу Фармон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги боқичини бошлаб берди.

Президентимиз Фармони, бир томондан, мамлакатимизда мустақил суд ҳокимияти ва суд тизимининг нафақат ҳуқуқ ва ваколатларини, айтиш чоғда, обрў-эътиборини ҳам оширган бўлса, иккинчи томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда дахлсизлигини ҳимоя қилишда ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида судларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд ҳокимиятини босқичма-босқич ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган истикболдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида миллий парламентимиз томонидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Маълумки, Концепцияда ўтган даврда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича эришилган натижалар батафсил таҳлил қилиниб, келгусида "Хабеас-корпус" институтини янада кенгрок қўллаш мақсадида, Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Шу асосда 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддаси янги таҳрирда баён этилди.

Яъни эндиликда "қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома"ни кўриб чиқиш билан бир қаторда, "айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни

тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш" ваколоти судларга берилди.

Бунинг натижасида тергов жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, холислик таъминланиши ва гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг ҳуқуқлари суд томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилиниши янада мустаҳкамланди.

Кези келганда яна шуни қайд этиш жоизки, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги судьяларнинг ижтимоий ҳимояси ва моддий жиҳатдан нечоғлик ҳимоя этилгани билан ҳам бевосита боғлиқ, албатта.

Шу маънода, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ҳамда 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимиз суд тизими фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Судлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш ишлари янада такомиллаштирилгани ҳам диққатга моликдир.

Жорий йилнинг 20 январиди қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги бир қатор қонунларга, жумладан, Меҳнат ва Солиқ кодекслари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунларга ҳамда "Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида"ги Низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида номлари қайд этилган қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, эндиликда ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича,

авваломбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида ўн йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировкани ўташи шарт. Ўқув ва стажировкани ўташ даврида, улар асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилинади.

Бу борадаги ўзгартиришларнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, эндиликда судьялар ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади.

Қонунда судьяларнинг ваколатлари тугаганидан кейин уларга бериладиган кафолатлар ҳам мустаҳкамланган бўлиб, ваколат муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Шунингдек, судьяларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишга ёки тайинланишга қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик тарихий даврида миллий тараққиётнинг "ўзбек модели" нафақат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда, айни чоғда мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич

ривожлантириш, судларни инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя этишга қодир бўлган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш борасида эришган улкан ютуқларимизнинг ҳам мустаҳкам асоси эканига амин бўлиб турибмиз.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси